



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 2 (4)  
2026**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 2-son 2026 yil***

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**2**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2026**

MUNDARIJA

<b>Аслонов С.М., Амиджанова М.М.</b> Развитие бизнес-идей (стартапов) предпринимательской деятельности в Республике Таджикистан.....	7
<b>Умаров И.Ю.</b> Современные тенденции инновационного развития пищевой промышленности Узбекистана.....	13
<b>Akbaraliyeva D., Mirzamahmudova M.</b> Bank tizimi tarixi va rivojlanishi.....	16
<b>Mamajonova N.A.</b> Qurilish korxonalarida innovatsion boshqaruv faoliyati samaradorligini baholash ko‘rsatkichlari arxitekturasi.....	22
<b>Ahmadkulov D.R., Xamrayev O.Y., Khattobov U.B.</b> Kriptovalyutaga soliq solishda jahon tajirabasi va muammolar.....	25
<b>Toshpulatov A.M.</b> Qurilish materiallari sanoati korxonalarining ishlab chiqarish hajmini baholash usullari.....	30
<b>Bahromov Sh.F.</b> Jahonda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning (TXXI) iqtisodiy rivojlanish bilan bog‘liqligini tahlili.....	34
<b>Kalmuratov B., Izzetov B., Yusupova J., Shamuratova A.</b> Calculation in econometric models of human capital financing in innovation management in Uzbekistan.....	39
<b>Sultonov B.M.</b> Oilaviy korxonalar faoliyatini boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmiga ta‘sir etuvchi omillar va ularni baholash asoslari.....	43
<b>Юсупов М.Х.</b> Фарғона вилояти маҳаллаларида ижтимоий омилларнинг иқтисодий барқарорликка таъсири: демография, гендер ва миграция таҳлили.....	47
<b>Жаббаров К.Й., Жалолов И.Х., Эркинов М.Д.</b> Молиявий ҳисобот тизимининг моҳияти ва шаклланиш босқичлари.....	57
<b>Гулямова Н.Х.</b> Саноат корхоналарини инновацион ривожланиши ва миллий иқтисодиёт ўсиши.....	61
<b>Arziboyeva R.S.</b> Banklarda asosiy vositalar va mablag‘lar hisobini takomillashtirish.....	64
<b>To‘raboyev Q.Q.</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida mamlakatimizda soliq tizimini modernizatsiya qilish va sun‘iy intellekt hamda Big Data yordamida nazorat.....	67
<b>Tojiboyev I.I.</b> Raqamli biznes va elektron tijoratni soliqqa tortishning dolzarb masalalari va yechimlari.....	70
<b>Xolmirzayev I.O.</b> Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari faoliyatining rivojlantirishning iqtisodiy yo‘llari.....	74
<b>Saidova M.J.</b> Sanoat tarmoqlari transformatsiyasi sharoitida texnologik eskirish va modernizatsiya muammolari.....	79
<b>Usmonova N.A.</b> Andijon viloyatida kichik korxonalar faoliyat samaradorligiga ta‘sir etuvchi omillarni statistik va ekonometrik tahlil qilish.....	83
<b>Xaydarov M.T., Jannazarova G.K.</b> Bozor infrastrukturasi va uning rivojlanish istiqbollari.....	87
<b>Худайназарова Д.Г.</b> Фармацевтика корхоналарида харажатларга доир ахборотларни бухгалтерия ҳисоботларида очиб бериш тартибини такомиллаштириш.....	93
<b>Madaminov A.M.</b> O‘zbekistonda sanoat tarmoqlari faoliyatida oziq-ovqat sanoati rivojlantirish istiqbollari.....	99
<b>Zufarova G.A.</b> Kambag‘al va ishsiz fuqarolarni tadbirkorlikka jalb qilish masalalari.....	103
<b>Ergashev I.I.</b> Kichik korxonalar investitsiyaviy jozibadorligini samarali boshqarishda jahon amaliyoti tajribasi.....	106
<b>Sativaldiyeva G.X.</b> Ijara munosabatlarini mohiyati, ahamiyati va tasniflanishi.....	110
<b>Kamilova A.N.</b> Sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirishda mehnatni normalashtirish tizimining o‘rni va ahamiyati.....	115
<b>Базарова Г.Г.</b> Занятость населения в Узбекистане – теоретико-методологические основы анализа и практические механизмы решения проблем.....	119
<b>Turabov B.T.</b> Byudjet taqchilligi va xalqaro moliyaviy oqimlarning ta‘siri.....	125
<b>Xamzaev A.N.</b> Mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirish yo‘llari.....	131
<b>Xamzaev A.N., Mirzajonov M.</b> Mamlakatimizdagi xususiy korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo‘llari.....	136

<b>Raximova L.Sh.</b> Innovatsion iqtisodiyot sharoitida ayollar tadbirkorligining roli va uning turmush farovonligiga ta'siri.....	<b>141</b>
<b>Nosirov S.N.</b> ESG tamoyillarini joriy etish orqali sug'urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini oshirish mexanizmlari.....	<b>146</b>
<b>Maxkamov X.M.</b> Tijorat banklarida muammoli kreditlar ulushini kamaytirishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	<b>150</b>
<b>Hamrakulova M.F.</b> Sanoat korxonalarida innovatsion boshqaruv mexanizmlarining mahsulot sifati va bozor raqobatbardoshligiga ta'siri.....	<b>153</b>
<b>Mirzayeva L.S.</b> O'zbekiston qimmatli qog'ozlar bozoridagi aksiyalar likvidligini oshirish yo'llari.....	<b>157</b>
<b>Очилов Ж.Ж.</b> Инновацион ривожланишда кичик бизнес фаолияти экотизимининг роли..	<b>160</b>
<b>Usubjonov Z.V.</b> Qurilish materiallari bozori mohiyati va uning xususiyatlari.....	<b>165</b>
<b>Bekmurodov N.X.</b> Hududiy iqtisodiy rivojlanishning nazariy asoslari va konsepsiyalari.....	<b>170</b>
<b>Yusupova M.B.</b> Zamonaviy boshqaruv tizimi va strategik boshqaruv hisobi.....	<b>175</b>
<b>Xudayberdiyev O.A.</b> Globallashuv sharoitida elektron tijorat orqali tadbirkorlik subyektlarining xalqaro savdo munosabatlarini rivojlantirish mexanizmlari.....	<b>179</b>
<b>Bo'stonova N.A.</b> Andijon viloyatida kichik biznes subyektlarining salohiyatini tahlili.....	<b>187</b>
<b>Bo'stonova N.A., Nematjonova R.D.</b> O'zbekistonda aholining daromadlari va iste'mol xarajatlarining biznes rivojlanishiga ta'siri.....	<b>192</b>
<b>Hamidova Sh.O.</b> Sanoat korxonalarida mehnatni tashkil etish va boshqarish samaradorligi tahlili.	<b>196</b>
<b>Abdullayeva Z.S.</b> Maxsus iqtisodiy zonalar faoliyatining ijtimoiy va institutsional samaradorligi.	<b>199</b>
<b>Duvshatova N.K.</b> Hududlararo iqtisodiy nomutanosiblikni tartibga solishda investitsion yondashuvlarning samaradorligi.....	<b>203</b>
<b>Усманова А.Б.</b> Цифровая составляющая устойчивого развития региональной туристской системы (на примере Бухарской области).....	<b>207</b>
<b>Qidirniyazov A.Sh.</b> Uy-joy qurilishida kapital qo'yilmalar hajmi va yakuniy natijalar o'rtasidagi bog'liqlikni ekonometrik modellashtirish.....	<b>213</b>
<b>Dexkanova Sh.K.</b> Aylanma iqtisodiyotning barqaror rivojlanishdagi ro'li.....	<b>217</b>
<b>Gulimboyev S.I., Rejapov X.X.</b> Aholining farovonligini ta'minlashda ijtimoiy qo'llab-quvvatlashning o'rni.....	<b>221</b>
<b>Mamatov B.S.</b> O'zbekistonning investitsion imkoniyatlari: asosiy tendensiya va natijalar.....	<b>226</b>
<b>Kamoldinova N.A.</b> Ayollar tadbirkorligini rivojlantirish – ular bandligini ta'minlashning asosi.	<b>231</b>
<b>Aminboyev J.O.</b> Amortizatsiya hisobida foydali xizmat muddatini aniqlash: nazariy va amaliy yondashuvlar.....	<b>235</b>
<b>Maxramova N.Y.</b> Strategik menejmentda kadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	<b>241</b>
<b>Usmanova S.S.</b> Innovative development of the pharmaceutical industry.....	<b>245</b>
<b>Faxriddinova N.N.</b> Yashil tadbirkorlik va uning iqtisodiyotdagi o'rni.....	<b>250</b>
<b>Захирова Г.</b> Тиббий туризм хизматлари бозори ривожланишининг хориж тажрибаси.....	<b>254</b>
<b>Абдуллоев А.Ж.</b> Барқарор ривожланиш стратегияси асосида минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар амалиёти.....	<b>258</b>
<b>Sharapova N.K.</b> Hududlarni barqaror rivojlantirish dasturlarini xalqaro standartlar tizimiga moslashtirish imkoniyatlari.....	<b>264</b>
<b>Rahmatullayeva D.O.</b> Demografik omillar va bandlik samaradorligi o'rtasidagi munosabatlar..	<b>272</b>

ТИББИЙ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ

ОПЫТ РАЗВИТИЯ РЫНКА УСЛУГ МЕДИЦИНСКОГО ТУРИЗМА ЗА РУБЕЖОМ

FOREIGN EXPERIENCE OF MEDICAL TOURISM SERVICES MARKET  
DEVELOPMENT

Захирова Гулнора

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети катта ўқитувчиси

**Аннотация**

Мазкур мақолада тиббий туризм хизматларининг ривожланиши, унинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, тиббий туризм соҳасида етакчи ҳисобланган бир қатор давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган. Мақолада тиббий хизматлар сифати, замонавий тиббий технологиялар, хизматлар нархининг рақобатбардошлиги ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари тиббий туризм ривожланишида муҳим омиллар сифатида кўриб чиқилган. Хориж тажрибаси асосида Ўзбекистонда тиббий туризм хизматларини янада такомиллаштириш ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Туризм, тиббий туризм, хизматлар, тиббий хизмат, туризм хизматлари бозори

В данной статье проанализировано развитие услуг медицинского туризма, а также их роль и значение в мировой экономике. Кроме того, изучен передовой опыт ряда стран, считающихся лидерами в сфере медицинского туризма. В статье рассмотрены такие важные факторы развития медицинского туризма, как качество медицинских услуг, современные медицинские технологии, конкурентоспособность цен на услуги, а также механизмы государственной поддержки. На основе зарубежного опыта разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию услуг медицинского туризма и развитию данной сферы в Узбекистане.

**Ключевое слова:** Туризм, медицинский туризм, услуги, медицинское обслуживание, рынок туристических услуг

This article analyzes the development of medical tourism services, as well as their role and significance in the global economy. It also examines the advanced experience of several countries considered leaders in the field of medical tourism. The article discusses important factors influencing the development of medical tourism, such as the quality of medical services, modern medical technologies, the competitiveness of service prices, and mechanisms of state support. Based on international experience, proposals and recommendations have been developed to further improve medical tourism services and promote the development of this sector in Uzbekistan

**Key words:** Tourism, medical tourism, services, medical service, tourism services market

Сўнги йилларда тиббий туризм жаҳон туризм индустриясининг энг тез ривожланаётган йўналишларидан бирига айланди. Тиббий туризм – бу инсонларнинг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш мақсадида бошқа мамлакатларга сафар қилиши билан боғлиқ туризм тури ҳисобланади. Ушбу соҳанинг ривожланиши тиббий хизматлар сифатининг ошиши, нархлар фарқи, юқори технологияли тиббий хизматлар ва санаторий-курорт ресурсларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тиббий туризм ёки соғломлаштириш туризми, биринчи навбатда тиббий даволаниш учун чет элга саёхат қилаётган беморларнинг амалиётини англатади. У кенг кўламли тиббий хизматларни, жумладан, профилактика ва соғломлаштириш муолажаларини, режали жарроҳлик муолажаларини, телетикланиш (телереабилитация), шунингдек, мураккаб операцияларни ва бошқаларни ўз ичига олади. Тиббий сайёҳлар кўпинча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда арзон нархларда малакали мутахассислар томонидан кўрсатиладиган илғор тиббий ёрдам учун мурожаат қилишади.

Тиббий туризм бозори ўсиши ва ривожланишини белгилайдиган бир нечта сезиларли тенденцияларни бошдан кечирмоқда. Телетиббиёт ва виртуал консултацияларнинг тобора кўпайиб бориши, соғломлаштириш туризмга эътиборнинг кучайиши, интеграциялашган технологиялар ва рақамли соғлиқни сақлаш ечимларга талабнинг ўсиши каби омиллар мазкур соҳанинг ўсишига туртки бўлмоқда.

Тиббий туризм масалалари кўплаб хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, М. Смит ва Л. Пуцко тиббий ва соғломлаштириш туризмнинг назарий асосларини таҳлил қилган [1]. М. Букман ва К. Букман тиббий туризмнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ўрганган [2]. Шунингдек, К. Холл тиббий туризмнинг этик, ҳуқуқий ва маркетинг жиҳатларини тадқиқ этган [3].


Тадқиқотларда тиббий туризм ривожланишига қуйидаги омиллар асосий таъсир кўрсатиши таъкидланган:

- тиббий хизматлар сифатининг юқорилиги;
- замонавий тиббий технологиялар;
- хизматлар нархининг нисбатан арзонлиги;
- туристик инфратузилманинг ривожланганлиги;
- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати.

2023 йилда Шимолий Америкадаги тиббий туризм бозори 2,9 миллиард АҚШ доллари даромад келтирди ва 2024 йилдан 2032 йилгача ўртача йиллик 15,6 % ўсиши кутилмоқда [4].

Минтақада асосан эстетик истаклар, гўзаллик стандартлари ва турмуш тарзига қараб косметологик ва жорий муолажаларга талаб катта. Косметологик жарроҳлик, стоматологик даволаниш, бепуштлиқ муолажалари ёки вазн йўқотиш бўйича жарроҳлик амалиётини олишни истаган беморлар чет элда арзон ва сифатли хизматлардан фойдаланиш учун тиббий туризмни танлашлари мумкин. Тиббий туризм йўналишлари эстетик яхшиланишларни ёки жорий муолажаларни излаётган беморларни жалб қиладиган кенг қамровли косметик хизматлар пакетлари, замонавий ускуналар ва тажрибали жарроҳларни таклиф этади.

Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, тиббий туризм бозори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, Халқаро туризм ташкилоти (UN Tourism) маълумотларига кўра, халқаро туризм оқими доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, тиббий туризм ушбу соҳанинг муҳим сегментларидан бирига айланди. Тадқиқотлар натижасига кўра тиббий даволаш хизматлари, соғломлаштириш хизматлари, ҳамда альтернатив даволаш хизматлари тобора ортиб бориб, 2030 йилларга бориб тиббий туризм бозорининг йиллик ўртача ўсиш суръати — 12,2% ни ташкил этиши мумкин. Бунда ҳозирги даврга нисбатан 2032 йилда бозор ҳажми 35,9 млрд АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда.



1-расм. Жаҳон тиббий туризм бозори ҳажми, 2022–2032 (млрд АҚШ долларида) [5]

2025 йилда глобал тиббий туризм бозори тахминан 38,2 млрд АҚШ долларни ташкил қилган [6]. Айрим таҳлилларга кўра бозор ҳажми 43,5 млрд долларгача баҳоланади. Баъзи кенг қамровли ҳисоботларда 172 млрд долларлик глобал хизматлар айланмаси ҳам қайд этилган [7].

2025 йилда энг кўп тиббий турист қабул қиладиган давлатлар:

1. Таиланд
2. Ҳиндистон
3. Туркия
4. Малайзия
5. Жанубий Корея
6. Сингапур
7. Мексика
8. Бразилия

Бу давлатлар арзон нархлар ва юқори тиббий сифат билан машҳурдир [8].

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, тиббий туризмни ривожлантиришда тиббий хизматлар сифати, халқаро стандартларга мос инфратузилма, малакали кадрлар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва самарали маркетинг сиёсати муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тиббий хизматлар ва туристик хизматларни интеграция қилиш ҳам тиббий туризм ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Халқаро тажрибага назар ташласак, бир қатор давлатлар тиббий туризмни миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айлантирган. Жумладан, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Малайзия каби давлатлар тиббий туризмни ривожлантириш бўйича муваффақиятли тажрибага эга. Ушбу мамлакатларда замонавий тиббий технологиялар, малакали шифокорлар, нисбатан арзон нархлар ва туристик инфратузилманинг ривожланганлиги тиббий туристлар оқимининг ортишига хизмат қилмоқда.

Масалан, Таиланд тиббий туризм соҳасида етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатдаги халқаро аккредитациядан ўтган клиникалар, юқори даражадаги хизмат кўрсатиш сифати ва туризм инфратузилмасининг ривожланганлиги хорижий беморлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда. Натижада Таиланд ҳар йили 2,5 млн дан ортиқ тиббий турист қабул қилади, бунда асосан пластик хирургия, стоматология, кардиология бўйича тиббий хизматларнинг устуворлиги намоён бўлмоқда [9].

Ҳиндистон эса юқори технологияли тиббий операцияларни ҳамда тиббий хизматларининг нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Масалан, кардиологик операциялар ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари Европа ва АҚШ давлатларига нисбатан 60–80% арзон нархларда амалга оширилади. Бу эса тиббий туристлар оқимини оширишга хизмат қилмоқда ва ҳар йили 500 мингдан ортиқ тиббий турист мамлакатга тиббий хизматлар учун ташриф буюриши кузатилмоқда [10].

Туркия ҳам тиббий туризм соҳасида катта ютуқларга эришган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда пластик жарроҳлик, стоматология ва трансплантология каби соҳалар яхши ривожланган бўлиб, давлат томонидан тиббий туризмни қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда тиббий муассасалар халқаро стандартларга мос равишда фаолият юритмоқда. Бу эса мамлакатга келаётган тиббий туристлар сонининг йилдан-йилга ортишига хизмат қилмоқда. Маълумотларга кўра 2024 йилда Туркияга 1,4 млн тиббий турист ташриф буюрган бўлиб, асосан эстетик хирургия, стоматология, трансплантация соҳасидаги тиббий хизматларига талаб ортган [11].

Жанубий Корея косметологик ва пластик жарроҳлик соҳасида жаҳонда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда тиббий хизматлар юқори технологияларга асосланган бўлиб, бу ҳолат тиббий туристлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Тиббий хизматлар жаҳон стандартларига мос бўлган замонавий технологиялар асосида кўрсатилиш натижасида ҳар йили мамлакатга 400 мингдан ортиқ тиббий турист ташриф буюрмоқда [12].

Малайзия Жануби-Шарқий Осиё минтақасида тиббий туризмнинг муҳим марказларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари:

- юқори сифатли ва халқаро даражада тан олинган тиббий хизматлар;
- қўшни давлатлардан келган беморлар кўплиги;
- давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш ва маркетинг стратегияси;
- тиббий хизматлар билан туризмнинг интеграцияси.

2024 йилда Малайзияга тахминан 1,52 млн халқаро бемор ташриф буюрган, улар тиббий ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланган. Олдинги йилларга қараганда тиббий туристлар сони ўсмоқда (2019–2024 даврида кескин ўсиш кузатилган) [13].

Малайзия тиббий туристларининг катта қисми тахминан 65% Индонезиядан ташриф буюради. Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан ҳам беморлар ташриф буюрмоқда.

1-жадвал

**Айрим давлатларда тиббий туризм ривожланиш кўрсаткичлари [14]**

Давлат	Йиллик тиббий туристлар сони	Асосий ихтисослашган хизматлар
Таиланд	2–3 млн	пластик хирургия, стоматология
Ҳиндистон	500–700 минг	кардиология, трансплантация
Туркия	1 млн дан ортиқ	эстетик хирургия, стоматология
Жанубий Корея	400 минг	косметологик ва пластик хирургия
Малайзия	1 млндан ортиқ	диагностика, кардиология

Ушбу давлатларда тиббий туризмнинг муваффақиятли ривожланиши бир нечта омиллар билан боғлиқ. Бунда:

биринчидан, тиббий хизматлар халқаро стандартларга мос равишда ташкил этилганлиги, иккинчидан, давлат томонидан тиббий туризмни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастурлар амалга оширилаётгани,

учинчидан, тиббий хизматлар ва туристик хизматлар ўртасида интеграция йўлга қўйилганлиги тиббий хизматларнинг дунё миқёсидаги истеъмолчилар сони кўпайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тиббий туризмнинг ривожланиши нафақат соғлиқни сақлаш тизимини, балки туризм, транспорт, меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада мазкур давлатларда тиббий туризмни ривожлантириш иқтисодиётнинг турли соҳаларига ижобий таъсир кўрсатишини намоён этди.

Тиббий хизматлар сифати, замонавий инфратузилма, малакали кадрлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсати тиббий туризмнинг асосий ривожланиш омиллари ҳисобланади. Шунингдек, тиббий ва туристик хизматларни интеграция қилиш, халқаро стандартларга мос тиббий муассасаларни ривожлантириш ҳамда самарали маркетинг сиёсати юритиш тиббий туризмни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тажрибадан самарали фойдаланиш тиббий хизматлар сифатини ошириш, туристик инфратузилмани ривожлантириш ва халқаро бозорда мамлакатнинг рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Фикримизча, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- тиббий муассасаларни халқаро стандартлар асосида модернизация қилиш;
- тиббий хизматлар сифатини ошириш ва халқаро аккредитацияни жорий этиш;
- санаторий-курорт муассасаларини ривожлантириш;
- тиббий туризм бўйича халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- хорижий беморлар учун қулай визавий ва сервис хизматларини ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий туризмни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини диверсификация қилиш, халқаро туристик оқимни ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Smith M., Puczko L. *Health and Wellness Tourism*. – Amsterdam: Butterworth-Heinemann, 2009.
2. Bookman M. Z., Bookman K. R. *Medical Tourism in Developing Countries*. – New York: Palgrave Macmillan, 2007
3. Hall C. M. *Medical Tourism: The Ethics, Regulation and Marketing*. – London: Routledge, 2011.
4. Connell J. *Medical Tourism*. – Wallingford: CABI Publishing, 2013.
5. Carrera P., Bridges J. *Globalization and Healthcare: Understanding Health and Medical Tourism*. – Expert Review of Pharmacoeconomics & Outcomes Research, 2006
6. Lunt N., Smith R., Exworthy M. *Medical Tourism: Treatments, Markets and Health System Implications*. – OECD Publishing, 2011
7. World Health Organization. *Global Health Expenditure Report*. – Geneva, 2023.
8. UN Tourism. *World Tourism Barometer*. – Madrid, 2024–2025.

УДК:332.1

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА МИНТАҚАВИЙ  
САНОАТЛАШУВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР  
АМАЛИЁТИ**

**ПРАКТИКА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ РЕГИОНАЛЬНОЙ  
ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ НА ОСНОВЕ СТРАТЕГИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ.**

**THE PRACTICE OF FOREIGN COUNTRIES IN IMPLEMENTING REGIONAL  
INDUSTRIALIZATION ON THE BASIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT  
STRATEGY**

**Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич**

Бухоро давлат университети Иқтисодиёт кафедраси мудири и.ф.д., профессор

**Аннотация**

Мақолада барқарор ривожланиш стратегияси орқали минтақавий саноатлашувни амалга оширишнинг илғор хориж амалиёти қиёсий таққосланиб, ундан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий барқарорлик, экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодиёт, стратегия, барқарор ривожланиш стратегияси, саноат, саноатлашув, минтақавий саноатлашув, экологик стандартлар.

В статье сравнивается передовая зарубежная практика региональной индустриализации посредством стратегии устойчивого развития и определяются возможности ее творческого применения в практике нашей страны.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, экономическая стабильность, социальная стабильность, экологическая стабильность, «зеленая» экономика, стратегия, стратегия устойчивого развития, промышленность, индустриализация, региональная индустриализация, экологические стандарты.

The article compares the advanced foreign practice of regional industrialization through the strategy of sustainable development, and identifies the possibilities of creative use of it in the practice of our country.

**Key words:** sustainable development, economic stability, social stability, ecological stability, "green" economy, strategy, sustainable development strategy, industry, industrialization, regional industrialization, environmental standards.